

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири ўринбосари


К.Акилова
“ ” _____ 2018 й

“КЕЛИШИЛГАН”

Ёшлар иттифоқининг
Тошкент шаҳар кенгаши
раиси


Б.Шукуров
“16” _____ 2018 й



“КЕЛИШИЛГАН”

Р.Глиэр номидаги
РИМАЛ директори


Б.Курбонов
“15” _____ 2018 й

**Фаррух Мирусмонов номидаги Тошкент очик танловини
ташkil этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили” деб эълон қилганликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сон қарорига мувофиқ, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи (бундан буён матнда РИМАЛ деб юритилади) ҳамкорлигида, “Халқ чолғулари” ижрочиларининг Фаррух Мирусмонов номидаги Тошкент очик танловини (бундан буён матнда Танлов деб юритилади) ташkil этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Танлов Ўзбекистон Республикасидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, мусиқа, санъат ва маданият йўналишидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари иштирокида ўтказилади.

2. Танловда қатнашиш учун унинг шартларига муносиб иштирокчиларни тавсия этиш юзасидан масъулият тегишли вазирлик ва идораларнинг худудий бўлинмалари ва таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

3. Танловни ташkil этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар ва ташкилий ишлар Танловни ташkil этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (бундан буён матнда ташкилий қўмита деб юритилади) томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Танловнинг мақсадлари

4. Танловнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

ўқувчи ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён этиш;

ўқувчиларда ўзлари танлаган ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишни ошириш;

ёш ижрочиларнинг истеъдоди ва ижодий қобилияти бўйича ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш;

жаҳон мумтоз композиторларининг асарлари, ўзбек ва бошқа халқлар бастакорлари куйларидан баҳраманд бўлишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

ўзбек мусиқа маданиятини юксак даражага кўтариш ҳамда миллий санъатимизни дунё сахналарига олиб чиқиш ва иқтидорли ёшлар ижодини тарғиб этиш.

3-боб. Танловда иштирок этиш

5. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар томонидан ташкилий қўмитага 2020 йил 10-мартга кунига қадар қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) номзоднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

б) номзодга таълим муассасаси раҳбарияти томонидан берилган ижодий тавсифнома;

в) (1 дона 3 x 4 см ҳажмда ва талабномага елимлаг шарт);

номзоднинг танловда иштирок этиш истаги билдирилган талабнома.

6. Муддатдан кечикиб топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

7. Номзоднинг танловда иштирок этиш учун берилган талабномаси бир ҳафта ичида ташкилий қўмита томонидан кўриб чиқилади ва расмий жавоб хати юборилади.

4-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари

8. Танлов иштирокчилари ёшига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

а) кичик гуруҳ (12-15 ёшли иштирокчилар);

б) катта гуруҳ (16-18 ёшли иштирокчилар).

9. Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

а) Най;

б) Кўш най;

в) Чанг;

г) Қонун;

д) Рубоб прима;

е) Қашқар рубоб;

ж) Афғон рубоб;

з) Дуторлар;

и) Дутор бас;

к) Танбур;

л) Доира, ксилафон ёки маримба;

м) Ғижжак;

н) Ғижжак альт;

о) Ғижжак бас;

п) Ғижжак К-бас;

р) Баян, аккордеон

Гуруҳлар бўйича танлов дастури:

Кичик гуруҳ ижро талаби:

1. Шартли асар.
2. Ўз хоҳишига кўра (Доирачилар ксилофон ёки маримбада ижро этади)

Умумий ижро дастури учун **15** дақиқагача вақт ажратилади.

Катта гуруҳ ижро талаби:

1. Шартли асар.
2. Йирик шаклдаги асар (Концерт I қисм ёки II-III қисмлари, соната, фантазия, рапсодия, , увертюра ёки вариациялар) (Доирачилар ксилофон ёки маримбада ижро этади)

Умумий ижро дастури учун **20** дақиқагача вақт ажратилади.

10. Танлов ташкилотчилари томонидан белгиланган шартли асарлар рўйхати:

№	Номинация	Кичик гуруҳ	Катта гуруҳ
1.	Най	Ш.Рамазонов – “Интизор”	Т.Жалилов – “Зулхумор арияси”
2.	Кўшнай	Д.Зокиров – “Кўрмадим”	Д.Зокиров – “Эй, сабо”
3.	Чанг	Ф.Мирусмонов – “Бахтиёр ёшлик”	М.Тожиев – “Шарқона рапсодия №4”
4.	Қонун	Ф.Мирусмонов – “Бахтиёр ёшлик”	М.Тожиев – “Шарқона рақс”
5.	Рубоб прима	Ф.Мирусмонов – “Скерцо”	А.Набиев – “Юмореска”
6.	Қашқар рубоб	М.Саутов – “Кўшиқ ва рақс”	Қ.Комилов – “Мохим” Концерт поэмаси
7.	Афғон рубоб	Г.Савинов, С.Калонов – “Ашула ва рақс”	Ш.Собиров – “Пьеса”
8.	Дуторлар	А.Мухаммедов – “Рохат”	Х.Рахимов – “Шарқона наво”
9.	Дутор бас	Я.Сабзанов – “Рақс”	А.Сафаров – “Шарқона оханг”
10.	Танбур	И.Акбаров – “Алла”	М.Бафоев – “Афсона”
11.	Доира, Ксилофон ёки маримба	А.Восканян – “Пьеса”(доира)	Ф.Алимов – “Шодиёна”(доира)
12.	Ғижжак	О.Холмухаммедов – “Рақс”	Ф.Янов-Яновский – “Бахшида”
13.	Ғижжак альт	Д.Зокиров – “Зайнаб ва Омон” операсидан “Рақс”	М.Ашрафий – “Сўзсиз кўшиқ”
14.	Ғижжак бас	Ф.Мирусмонов – “Кўшиқ ва рақс”	Б.Гиенко – “Импровизация”
15.	Ғижжак контра бас	А.Собитов қай иш – “Рақс”	М.Ашрафий – “Сўзсиз кўшиқ”
16.	Баян, аккордеон	Ф.Мирусмонов – “Скерцо”	А.Султонов, Б.Гиенко – “Коракалпоқча сюита” финал

5-боб. Танлов иштирокчиларини баҳолаш

11. Иштирокчилар томонидан ижро дастурлари бевосита ёддан ижро этилади.
12. Танлов бир босқичда ўтказилиб, иштирокчиларнинг ижролари ҳакамлар ҳайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан алоҳида тарзда 25 баллик тизимда баҳоланади. Иштирокчиларнинг умумий баллари кўйилган балларнинг йиғиндисига кўра аниқланади. Умумий балли энг кўп бўлган иштирокчилар орасидан ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан танловнинг 1, 2 ва 3-ўрин совриндорлари белгиланади.
13. Танловнинг якуний натижалари ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан расмийлаштирилади.
14. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори қатъий ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

6-боб. Танловни молиялаштириш ва иштирокчиларни рағбатлантириш

15. Танлов иштирокчиларининг йўл, овқатланиш ва турар-жой харажатлари юбораётган томон ҳисобидан қопланади.
16. Танловнинг барча ташкилий ва иқтисодий томонлари билан боғлиқ молиявий масалалар таъсисчилар томонидан ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилади.
17. Танловни молиялаштириш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳам жалб этилиши мумкин.

7-боб. Якуний қоидалар

23. Танловни ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Фаррух Мирусмонов номидаги Тошкент
очик танловида иштирок этиш учун**

**$\frac{3}{4}$ расм
ёпиштирилсин**

ТАЛАБНОМА

Иштирок этувчи ўқувчининг Ф.И.Ш. _____

Туғилган сана, ой ”___” _____ йил.

Гуруҳ ва мутахассислиги _____

Таълим олаётган муассасаси номи ва синфи _____

Мутахассислик бўйича ўқитувчисининг Ф.И.Ш. _____

_____ тел: _____

Жўрनावозининг Ф.И.Ш. _____

ИЖРО ДАСТУРИ:

1. _____

2. _____

3. _____

Талабнома тўлдирилган муддат “___” _____ 20 ___ йил.

Танлов шартларига розилик билдираман _____

(имзо)

Тавсия этувчи
муассаса раҳбари

(имзо)